

ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 240 (10.293)

2004 ЙИЛ 9 ДЕКАБРЬ

Ишларимиз кадри

СОҒЛИҚ—ОЛТИНДАН ҚИММАТ

Хар йили Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлаш билан бирга бўсағада турган Янги йилнинг қандай номланишини ўзига хос тантана билан белгилаб оламиз. Мана бир неча йилдирки, бу яхши одат ҳаётимиздан мустақкам ўрин олиб анъана тусига кириб бормокда.

Юртимизга янги нафас, янги руҳ ва саломатлик олиб келатган Янги йилнинг Сихат-саломатлик йили деб эълон қилинишининг ўзи унинг қадами кутлуг келаётганидан далолат бериб турибди. 2005 йилнинг шундай эъозли ва нурли ном билан аталиши барча қатори — ҳамшаҳарларимизни ҳам руҳлантириб, уларнинг бугуннинг кадрига етиш туйғусини янада кучайтириб юборди. Куйида дил эъзорларидан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Бахтиёр ЭРҒАШЕВ, шифокор:

— Юртбошимизнинг Янги йилни Сихат-саломатлик йили деб эълон қилганликларини халқимиз бардам-бақувват бўлиши ва унинг саломатлигини ардоқлашга бўлган қатта эътибор деб тушунамиз. Мен бир шифокор сифатида айта оламани, қаерда саломатлик бўлса, ўша ерда соғлом фикр, мазмуни умр бўлади. Бекорга ҳам қарияларимиз дуога қўл очганларида биринчи навбатда бир-бирларига, оилаларига, умуман инсонларга соғлиқ-саломатлик тилашмайди.

Инсон соғлиги учун нима керак ўзи? Саломатлик жамиятда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, фаровон ҳаёт, тўқинчилик, ижтимоий соҳанинг юксак даражада эканлигига қўл даражада боғлиқ. Лекин одамзотнинг соғлиги ҳар жиҳатдан энг аввало унинг ўзига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак.

Албатта, биз шифокорлар инсон саломатлиги учун камарбастамиз. Уларнинг соғлиги йўлида кеча-кундуз фидойилик қилишга ҳозир нозиримиз. Лекин жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси ўз соғлиги устидан мунтазам назорат ўрнатиб, керакли вақтларда биз шифокорлар томонидан тегишли маслаҳатларни олиб турса ҳар қандай дарддан холи бўлади. Ахир айтдиларку касални даволагандан кўра олдини олган яхши деб. Шундай тушунча билан яшасан ишончимиз комилики, саломатлигимиз ҳамisha мустақкам бўлади, эл-юртга фойдамиз кўпроқ тегади.

Наима ҚОДИРОВА, мехнат фахрийси:

— Азиз болаларим, ўғил-қизларим. Мен 90 дан ошиб, юз билан юзлашаётган инсонман. Ҳар оқшом ўғил-қизларим, келинларим, набираларим қуршовида, эъозиданман. Ёлғиз вақтларимда эса радио эшитиб, телевизор кўриб турман. Азалдан кундалик янгиликларни эшитишга қизиқаман. Кўни кеча телевизорни кўриб ўтириб Юртбошимизнинг «Янги йилни Сихат-саломатлик йили деб, атаймиз», деган сўзларини эшитиб, бошим осмонга етди. Инсон саломатлигининг кадрига етган кишининг мартабаси улуг бўлади. Чунки шифога мутож биз кексаларнинг дуоси қўл. Президентимиз ўз нутқларида саломатлик ҳақида гапира туриб Японияни мисол келтирдилар. Бу мамлакатда 100 мингдан зиёд бир асрдан ортқ умр кўраётган кексалар борлигини таъкидладилар. Ҳўш, нима учун бу мамлакат халқлари узоқ умр кўришади, деган саволга ўзлари жавоб бера туриб бу япон халқининг ҳаёт тарзини тўғри ташкил қилиши, ўз саломатлигига доимо оқилона муносабатда бўлишини айтиб ўтдилар. Бу гап жуда тўғри. Одамзотнинг ўзи ҳам бир зум бўлсада кундалик ташвишларни орқага ташлаб ўз соғлиги ҳақида ўйлаши, иложи борича кечма кеч мекнатининг роҳатини кўришга ҳаракат қилиши керак. Мехнат қилган одам дам олиш соатларини ҳам тўғри ташкил қилса нур устига нур бўлади.

Кобил ИСОКОВ, ишчи:

— Инсон — табиатнинг буюк мўъжизаси. Шундай экан, ўз саломатлигини асраган тақдирда табиати, ҳаёт давомийлигини асраган бўлади. Мен яхши ният билан эълон қилинган Сихат-саломатлик йилида халқимиз шундай фикр билан яшашини истардим.

Чиндан ҳам бундай ўйлаб қарасак, кунларимиз иш, оила ташвиши, яна бир қанча юмушларни бажариш билан ўтади. Югур-югур билан ўтган йилларимизни ҳам билмай қоламиз. Ўзимиз, ўз соғлигимиз ҳақида қайғурмаймиз. Хатто, саломатлигимиз ёмонлашганини била туриб ҳам чала қолган юмушларимизни, даб-дабали тўғриларимизни ўтказиб олиш дардида елиб-югурамиз. Борди-борди эртага бошимиз ёстиққа тегиб қолса, бу ёғи нима бўлади, деб ўйламаймиз. Иложи борича бу саволдан ўзимизни йироқ тутишга ҳаракат қиламиз. Афсуски, ётиб олсанк режадаги орзу-умидларимиз бирийўла чил-парчин бўлишини ҳаёлимизга келтирмаймиз.

Йилимизнинг Сихат-саломатлик номи билан аталиши бизни ўз соғлигимиз ҳақида бир қадар қайғуришга ундайди, деб ўйлайман.



● Тошкент вилояти касаб-ба уюшмалари Кенгаши Меҳр ва муруват йили ҳамда Конституциямизнинг 12 йиллиги муносабати билан пахта ҳосилини йиғиб-теришга муносиб ҳисса қўшган меҳнаткашларнинг 45 нафарига мамлакатимизнинг энг яхши сихатгоҳларига бепул йўлланма берди.

● Нукус отчопарида қишлоқ хўжалиги тармоғи жонқуярлари, жамоатчилик вакиллари иштирокида 2004 хўжалик йили яқунларига бағишланган анъанавий хосил байрам ўтказилди.

● Қизилтепа туман марказий шифохонаси қошида энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган шошилинч тиббий ёрдам

бўлими фойдаланишга топширилди.

● Тошкент вилояти «Турон» илмий-универсал кутубхонасида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги сазй-ҳаракати билан ушбу маърифат даргоҳининг музейи иш бошлади.

● Фориш туманининг Уҳим қишлоғида «Яратилаётган Нурота-Қизилқум биосфера резервати худудида муқобил энергия манбаларини ишлатиш» мавзусида ўқув семинари бўлиб ўтди.

● Зангиота туманида ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида «Ешлар ОИТС ва гиёвандликка қарши» шиори остида расмлар кўрик-танловининг якуний туман босқичи ўтказилди.

● Фарғона шаҳрида спортнинг Турон яккакураш тури бўйича Ўзбекистон Кубоғи мусобақаларига якун ясалди.



● Украина олий раҳбари-

яти вакиллари ва мамлакатга ташриф буюрган халқаро кузатувчилар иштирокида ўтказилган махсус йиғилишда тинчликни таъминлаш йўлида бир қатор келишувларга эришилди.

● Абхазия президентлигига асосий номзодлар Сергей Багапш ва Раул Хожмбалар 2005 йил 9 январда қайта сайлов ўтказишга келишиб олишди. Ҳозир ҳар иккала номзоднинг қуролли тарафдорлари Сукуми шаҳрини тарқ этишмоқда.

● Японияда амалдаги Конституцияга ўзгартиришлар киритиш ҳақида мамлакатда ҳукмрон Либерал-демократик партия тайёрлаган лойиҳада қуролли кучларни ташкил этиш юзасидан тақлифлар билдирилди.

● Ироқ ҳукумати Австралия давлатидан разведкачилар тайёрлаб беришга кўмаклашишни сўради.

● Чикаго шаҳридаги 45 қаватли осмонўсти бинода ёнгин содир бўлиши натижасида 25 киши жабрланди.

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТЧИ

БУГУН

ФУҚАРОЛАРНИНГ
ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ
ОРГАНЛАРИДАН



ТАДБИРКОРЛАР ВА
ИШБИЛАРМОНЛАР
ҲАРАКАТИ—ЎЗБЕКИСТОН
ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодлар фаолияти ва уларнинг сайловолди дастурлари юзасидан чиқишлари газетанинг тўртинчи саҳифасида ёритилмоқда.

фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг бешинчи саҳифасида ёритилмоқда.



Янгиликлар, воқеалар

● **КЕЧА** «Янги Сергели» маданият ва истироҳат боғида «Манавият ва маърифат» маркази, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Сергели туман бўлимига ҳамкорликларида уюштирилган «Бахтимиз Комуси» мавзусидаги сайил ва концертда туман ёшлари иштирок этишди.

● **ЎТГАН** кун 290-мактабда бўлиб ўтган ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий билимини юксалтиришга бағишланган семинар «Манавият ва маърифат» марказининг Бектемир туман бўлими томонидан уюштирилди.

● **2-ТОШКЕНТ** Давлат тиббиёт институти маданият саройида талабалар иштирокида «Олтин куз — 2004» бадиий хаваскорлик фестивали ўтказилди.

● **ЎТГАН** кун Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида «Маънавият кун» тадбири доирасида талабалар «Кўзларинг маъюс» бадиий фильмини томоша қилишди.

● **ЎТГАН** кун 23-Меҳрибонлик уйида Меҳр ва муруват йили муносабати билан Йўлдош Охунбоев номидаги республика Ёш томошалар театри актёрлари иштирокида тарбияланувчилар учун шоу дастур уюштирилди.

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги 100-махсус мактаб-интернатда тарбияланувчилар учун бадиий жамоалар иштирокида Тошкент шаҳар Маданият ишлари бoshқармаси, Собир Раҳимов туман хоким-

лиги, туман Халқ таълими бўлими ҳамкорликларида хайрия тадбири ва концерт ташкил этилди.

● **МИРЗО** Улугбек туманидаги 105-махсус мактаб-интернатда **ЎТГАН** кун туман хокимлиги, туман халқ таълими бўлими, туман ички ишлар бoshқармаси «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилган тадбир «Ҳуқуқ ва бурч» деб номланди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** 29-мактабда Собир Раҳимов туман халқ таълими бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида туман мактаблари жамоалари ўртасида қўл тўпи бўйича мусобақалар уюштирилди.

Тошкент шаҳар хокимлиги Матбуот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

Транспорт

**«СПЕКТР»
ВАГОНЛАРИ
ТОШКЕНТДА**

Бугунги кунда пойтахтимиз транспорт йўналишларида четдан келтирилган замонавий трамвай ва автобуслар қатнаб, йўловчилар узогини яқин қилмоқда. Чехияда ишлаб чиқарилган «Татра» русумли трамвай вагонлари ҳам аҳолига жуда манзур бўлмоқда.

Бу хил транспорт воситаларидан бир нечтаси 1993-1995 йилларда «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси буюртмаси билан шахримизга олиб келинган эди. Афсуски, ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган «Татра»лар эндиликда ишлаб чиқарилмай қўйилди.

Пойтахт аҳолисининг замонавий янги трамвайларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида қатор талбирлар белгиланди. Буни инобатга олиб компания Россиядаги «Уралтрансмаш» заводи билан ҳамкорлик боғлади.

Бу корхона ўзининг «Спектр» русумли трамвай вагонлари билан Мустақил ҳамдустлик давлатларида яхши танилиб қолди. Ўзининг замонавий моделига эга бўлган «Спектр»лардан иккитаси пойтахтимизга келтирилди. «Спектр-71402» ва «Спектр-71403» русумли бу транспортлар 9-ва 13-йўналишларда қатнаб, тажриба-намуна тест синовидан ўтказишмоқда.

Улар маълум вақт ўтгач, кутилган натижани бергандан сўнг Урал трамвайларидан яна бир нечтасига буюртма берилди. Улар ҳам аҳолига ёқиб қолса ажаб эмас.

**ЗАМОНАВИЙ
АВТОБУСЛАРГА
БУЮРТМАЛАР**

Бугунги кунда пойтахтимиздаги транспорт йўналишларида четдан келтирилган автобуслардан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Германиядан юборилган «Мерседес-Бенц» автобуслари ҳам йўловчиларга манзур бўлмоқда.

Ҳозир бундай русумли транспорт воситаларидан 577 таси аҳоли узогини яқин қилмоқда. Яқин вақт ичиди «Мерседес-Бенц»лардан яна 500 таси Тошкентга олиб келинадиган бўлди. «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси билан «Эво Бус ГмбХ» немис компанияси ўртасида яқинда ана шу ҳақда шартнома имзоланди. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, автобусларнинг қудратли двигателлари ҳам кўплаб етказиб берилди. Бу эса транспорт қатновининг экологик соф ҳолатда бўлишини таъминлайди.

Айни вақтда компания Львов автобус заводи билан музокара олиб бормоқда. Ўзaro келишувга мувофиқ бу корхонанинг «ЛАЗ-695» русумли автобусларидан бир нечтаси Тошкентга юборилади. Эътиборли томони шундаки, бу хил транспорт воситаси ёқилғи сифатида сиқилган газ билан ҳаракатланмоқда

Акбар АЛИЕВ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

**МУКОФОТЛАР
ТОПШИРИЛДИ**

Тошкент шаҳар ҳокимлигида мамлакатимиз Мустақиллигининг 13 йиллиги муносабати билан ҳукуматимизнинг юқори мукофотларига сазовор бўлган давлат, жамоат ҳамда пойтахтнинг бошқа тузилмалари вакиллари шарафлаш маросими бўлиб ўтди.

— Кутлуг сана — Ўзбекистон Конституцияси куни арафасида давлатимиз Мустақиллигини мустаҳкамлашга, халқимиз фаровонлиги ва порлоқ келажакни яратиш йўлида улкан ҳисса қўшган юртдошларимизда мамлакатимиз Президенти номидан Ватанимизнинг юксак мукофотларини топшириш аъёнага айлиниб қолган, — таъкидлаб ўтди тақдирланганларни табриклар экан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси расиси Эркин Халилов. — Ҳар бир кишининг самарали меҳнати мамлакатимизни демократлаштириш ва уни тараққий эттиришга хизмат қилади. Шунга яраша бундай меҳнат ҳар доим муносиб рағбатлантирилади. Ҳар йили Ўзбекистон Президенти Фармонига мувофиқ Мустақиллик байрами муносабати билан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, бир сўз билан айтганда барча жабҳаларда фаол қатнашган юртимиз фуқароларининг ордени ва медаллар билан тақдирланиши, ўз соҳаси бўйича унвонларга сазовор бўлишида эса ўзига хос мангик мазно бор. Мустақиллик — аждодларимиз орзу қилган буюк неъмат, бу — ватандошларимиз жамият ривожланишининг турли даврларида ўз ҳаётини фидо этган орзулар мевасидир. Мана 13 йилдирки, биз бу неъматнинг меваларидан баҳраманд бўлмоқдамиз, ўзимизнинг бугун ва эртанинг мустақил белгилаш имкониятига эгамиз, келажак буюк бўлган Ўзбекистон демократик давлатининг мустаҳкам таянчи ва пойдевори ҳисобланган Асосий Қоғозимиз — Конституция билан кафолатланган эркин ҳаёт кечирмоқдамиз. Ўзбекистон Конституциясининг 12 йиллиги мамлакатимиз тарихида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа бўлиб қоладиган Олий Мажлис ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайловлар арафасида нишонланмоқда. Бу йили биз биринчи мартаба икки палатали парламент депутатларини сайлаймиз. 26 декабрь куни ҳар биримиз ўзимизнинг яна бир конституциявий ҳуқуқимиз — сайлаш ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда Қонунчилик палатаси, Сенат ёки маҳаллий Кенгаш депутатлик корпуси таркибидида қонунчилик ижодиёти жараёнида қатнашадиган энг муносиб кишилар учун овоз берамиз.



— Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган эканмиз, айни пайтда ҳис-туйғуларимизни сўз билан ифодалаш биз учун жуда қийин. — дейди «Сувсоз» трести» давлат унитар корхонаси чилангари Муроджон Орипов. — Фурсатдан фойдаланиб, менга ишонч билдирган, мукофотга лойиқ деб топган Юртбошимизга, 30 йилдан кўп вақт давомида ишлаб келаётган жамоамизга ўз миннатдорчилигини изҳор этаман. Эндиликда ушбу ишончни тўлақонли оқлаш учун янада фидокорона ишлашим зарур деб ҳисоблайман. Утган йиллар давомида ҳозирда турли корхона ва ташкилотларда муваффақиятли хизмат қилаётган, кўплаб



ёшларга мутахассислигим бўйича сабоқ берганман. Демак, инсоннинг ҳар бир иши, агарда у масъулият билан, чин дилдан қилинса, зое кетмайди.

— Бугунги кунда биз, аёлларга ҳукуматимиз, шахсан Президентимиз томонидан кўрсатилаётган ҳурмат-эътиборни тўла таърифлаш қийин, — таъкидлаб ўтди Мирзо Улуғбек тумани ободонлаштириш бўлими бошлиғи Қундуз Юсупова. — Биз ҳаво кемаларини яратмаймиз, бошқа қувватли асбоб-ускуналар ишлаб чиқармаймиз. Бизнинг ишимиз — эрта билан кўчаларимизни, майдонларимизни обод, файзу тароватли қилиш ва шу йўсинда ишга, ўқишга, бошқа юмушлар билан ошиқайтганларга яхши кайфият улаштириш. Қўтаринки кайфиятда бошланган кун эса албатта самарали кечиши шубҳасиз. Бизнинг бундай камтарона хизматимиз давлатимиз томонидан юксак баҳоланган экан, ҳар биримиз қайси жабҳада бўлмайлик яхши ният билан ишлашимиз, ўз меҳнатимиздан қониқиб ҳосил қилишимиз, хузурланишимиз даркор.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов
олган суратлар.**

Сайлов - 2004

**Ханс-Йоахим КИДЕРЛЕН:
ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ
ПАРЛАМЕНТ ТИЗИМИ
ЯРАТИЛМОҚДА**

Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ташки сийбасимизнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси билан ЕИнинг аъзоларидан бири — Германия Федератив Республикаси ўртасидаги муносабатлар айниқса муҳим аҳамиятга эга. ГФР —Ўзбекистоннинг Фарбий Европадаги асосий савдо шерикларидан. Мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, ҳарбий-техникавий соҳаларда яқин ҳамкорлик қарор топган.

26 декабрь куни Ўзбекистонда ўтказиладиган парламент сайлови арафасида ЎЗА мухбири ГФРнинг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Ханс-Йоахим КИДЕРЛЕН билан учрашди.

Бундесрат аъзолари томонидан ҳам муҳокама этилди. Ушбу палата маҳаллий қонунчилик органлари — лаңдаглар томонидан юборилган 68 вакилдан иборатдир.

— Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққийёт босқичида икки палатали парламентнинг аҳамиятини қандай баҳолаган бўлур эдингиз?

— Ўзбекистонда икки палатали парламент тизими шакллантирилиши амалга ошириладиган демократик ислохотларнинг мангикий давомидир. Мамлакатимизда сиёсий тизим ва фуқаролик жамияти яратилишининг

аниқ мақсад ва вазифалари белгиланган.

Икки палатали қонунчилик тизими жамият ҳаётини эркинлаштиришда, аҳолининг сиёсий фаоллигини янада оширишда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.

Ҳар бир жамият ўз шароитидан келиб чиққан ҳолда ўз парламент тизимини ташкил этади. Ўзбекистон ҳозир тажрибасини ва ўз миллий кадрятларини умумлаштирган ҳолда ўз парламентини яратмоқда.

— Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги парламентлараро алоқалар тўғрисида фикрингиз қандай?

— Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон ва ГФР олий қонунчилик органлари самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Икки мамлакат парламентларининг кўмиталари, комиссиялари ва фракциялари ўртасида доимий мулоқот йўлга қўйилган. 1996, 2001 ва 2003 йилларда Олий Мажлис ва Бундестаг раҳбарларининг таширфлари ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш учун янги имкониятларни очди.

Бундестагда Фаолият кўрсатаётган Марказий Осиё минтақаси бўйича парламент гуруҳи йилига икки марта Ўзбекистонда бўлиб, Олий Мажлис вакиллари билан маслаҳатлашувлар ўтказди. Германия парламенти депутатлари ўзбек ҳамкасблари орасида қонунчилик соҳасининг турли йўналишлари бўйича ўз тажрибасини ўртоқлашиб келмоқда.

Ўзбекистон ва Германия олий қонунчилик органлари халқаро парламентлараро ташкилотлар ҳамда Европа парламенти доирасида хавфсизлик ва бошқа ўзаро манфаатли масалалар юзасидан ҳам ҳамкорлик қилиб келаётир.

Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг шаклланиши мамлакатларимиз олий қонунчилик мақамлари ўртасидаги алоқалар ривожини янги босқичга кўтаришига ишончим комил.

**ЎЗА мухбири
Нодирбек ЎЛЖАБОВ
суҳбатлашди**

Санъат

ЯНГИ МУСИҚАЛАР ЯНГРАДИ

Мамлакатимиз бастакорлари учун бу йил самарали бўлмақда. Янги яратилган музика асарлари ўз жанри бўйича ҳам ажралиб туради.

Таниқли санъаткор Дилором Омонуллаева ҳам музика шина-вандаларини бир неча серзавқ асарлар билан хушнуд этди. Унинг, айниқса кўҳна Самарқанд ноёб обидаси — Бибихоним мадрасасига бағишланган йирик музика асари кўпчиликка манзур бўлди. Бу ижод намунаси яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясида намойиш қилинган концерт дастуридан ўрин олди.

Бастакор Дмитрий Яновскийнинг «Токката»си ҳам мухлислар эътиборига ҳавола қилинди. Шунингдек, бу концертда янги ёзилган яна қатор музикалар янгради.

Улар консерватория, Успенский номидаги республика болалар музика академик лицейи созандалари томонидан маҳорат билан ижро этилди.

СЕРИАЛЛАР ДУБЛЯЖИ

«Ўзбектеlevision» студияси дубляж бўлими фаолияти янада кенгайиб бормоқда. Бўлим ижодкорлари келтирилган экран асарларидан бир нечасини ўзбек тилида овозлаштириб, томошабинларга тақдим этиш устида қизгин иш олиб бормоқдалар.

«Илон» деб номланган кино-сериални дубляж қилиш жараёни тугатилиб, экранларга чиқариш учун тахт қилиб қўйилди.

«Эдемга қайтиш» деган сериал эса 31 та қисмдан иборат бўлади. «Эдемга қайтиш»нинг энг яхши фильмлардан бири деб топилиб, кўпгина мамлакатларда муваффақиятли намойиш этилганини айтиб ўтиш жоиздир.

Бундан ташқари «Япониянинг ёввойи табиати» деган фильм ҳам экранларга чиқарилади. Таниқли актёрлар иштирокида ўзбек тилида овозлаштирилиб, дубляж қилинадиган бу сериал ўн қисмдан ташкил топган.

Янги йилда яна қатор чет эл фильмларининг ўзбекчалаштирилган нусхалари билан ҳам танишиш мумкин.

ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш қилинган «Чархпалак» бадиий фильми жуда кўплаб томошабинлар эътиборини ўзига тортди. Мураккаб воқеалар ривожига асосланган мазкур сериалнинг юзага келишида ижодкорлардан Шавкат Жунайдуллаев билан Шароф Бошбековларнинг ҳамкорлиги кўл келди.

Улар яқин алоқани давом эттириб, навбатдаги сериални яратишга киришган эдилар. Бу ижодий жараён ҳам нихоясига етай деб қолди.

«Дока рўмолнинг қуриши» деб номланган бу янги экран асари икки қисмдан ташкил топди. Янги сериалда ҳам томошабинни ҳаяжонга соладиган, уларни жиддий ўйлашга мажбур этадиган воқеалар қизқаркли тасвирий воситалар орқали моҳирона талқин қилинган.

Ушбу сериал «Ўзбектеlevision» студиясининг махсуси сифатида яқин кунлар ичиде экранда намойиш қилинади.

Акбар АЛИЕВ

2004- Мехр ва мурувват йили

«MURUVVAT-TEKS» ИШ БОШЛАДИ

Мехр ва мурувват — улкан ҳиммат, дея бежизга таъкидламаймиз. Айниқса, Президентимизнинг ташаббуслари билан эълон қилинган Мехр ва мурувват йилида ана шундай ҳиммат яққол кўзга ташланиб, қанча-қанча дилларни обод этди, кўнгилларга хушвақтлик, оқибат улашди.

Куни кеча қутлуғ айём — Конституция байрами арафасида Чилонзор туманининг «Чилонзор» маҳалласида эзгу ниятли инсонлар томонидан ишга туширилган янги корхона — «МУРУВВАТ-ТЕКС» масъулияти чекланган жамияти ҳам бунга ёрқин мисолдир. Пойтахтимиздаги «Реле ва автоматика» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли бинонинг бир қисмини замонавий тарзда таъмирлаб иш бошлаган корхонанинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, жамоа аҳли «Чилонзор» маҳалласи ҳудудиде истиқомат қилувчи кам таъминланган оилалардаги хотин-қизлардан ташкил топган. Маҳалла фаоллари, ҳудудда истиқомат қилувчи тadbirkor ва ишбилармонлар ҳамда таъсисчи «Ўзгазин-жернинг» хорижий шўба корхонаси ташаббуси билан иш бошлаган ушбу корхонада айти кунда 44 та хотин-қиз иш билан таъминланди.

Корхонанинг очилиш маросимида сўзга чиққан туман ҳокими Хусниддин Маҳмамов жамоа аҳлини, ушбу ишга бош қўшган таъсисчи ва тadbirkorларни қизгин қўлаб, унинг иш бошлаши «Мехр ва мурувват» йили дастури ижросининг амалдаги кўриниши эканлигини таъкидлади. Шунингдек, туманда жорий йилда дастур ижроси, хотин-қизларни иш билан таъминлаш борасидаги ба-жарилган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди.

— Айни пайтда кўриб турганингиздек маҳалладаги 44 та хотин-қиз махсус тайёргарликдан ўтиб вазифаларини адо этишга киришди, — дейди масъулияти чекланган жамият раиси, корхона раҳбари Азимжон Юсупов. — Цехларимиз таъсисчиларнинг беминнат ёрдамида Япониядан келтирилган замонавий «Бродор» тикув машиналари ҳамда Туркиянинг андоза бичиш, дазмоллаш ва кимёвий тозалаш ускуналари билан жиҳозланиб, ишчи-хизматчилар учун кийиниш хоналари, шинам ошхона ҳозирланди. Тикувчи ва бичувчилар махсус иш кийимлари билан таъминланган. Ушбу дастгоҳ ва ускуналар қувватидан, малакали ишчилар меҳнатидан самарали фойдаланиб, ҳар қандай буюртма, яъни махсус иш кийимларини маҳаллий ҳамда хорижий хом ашё-

дан фойдаланиб тайёрлаб берамиз. Келгусида эса нафақат ички бозорда, балки хориж бозориде ҳам ўз буюртмачиларимиз бўлишини ният қилганмиз.

— Корхонани ташкил этишдан асл мақсадимиз маҳалламиздаги кам таъминланган, кўп болали оилаларга яқиндан ёрдам бериш баробарида, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Саидвали Фозиев, — Хотин-қизларимизни ўз ҳудудимизда, оилаларига бола-чақаларига яқин жойда ишлашларига шароит яратишдир. Улар ҳам оилаларидан хабардор бўлиб туришди, ҳам оила бюджетига муҳим хисса қўшади. Негаки, кўпчилик аёлларимиз болалари қаровсиз қолиши, йўлкира муаммоси туфайли уйда ўтириб қолган эдилар. Шу боис ҳам биз маҳалла аҳли, фаоллари билан маслаҳатлашиб кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалардан ишчиларни танлаб олдик. Яна шуниси эътиборлики, корхона ишлаб чиқаришдан қилган соф



таъсисчи «Ўзгазинжернинг» хорижий шўба корхонаси ишчи-хизматчилари учун махсус иш кийимлари тайёрлашни бошлашди.

— Албатта, ушбу корхонанинг маҳалламизда иш бошлаши барчани мамнун этди, — дейди тайёр кийимларга дазмол босувчи Муяссар Азимова. — 3 та фарзандим бор. Узоққа бориб ишлашга имконият ва шароитим тўри келмасди. Корхонада эса тушлик пайтида болалардан, оиламиздан хабар олиш учун имконият ва қулайлик яратилган. Олган маошимиз эса оиламиз бюджетига учун катта фойда бўлади деган умиддамиз. Энг муҳими эса ўз меҳнатимиз билан ҳам иқтисодий-тотимиз ривожига, ҳам хонадонимиз фаровонлигига хисса қўшамиз.

Ҳозирда буюртмага қараб корхонада иш бир сменда ташкил этилган. Буюртмачилар сафининг ортиб, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши эса янги иш ўринлари ташкил этишни тақозо этди. Кейинги босқичда эса маҳалланинг яна 40 нафардан зиёд аёли иш билан таъминланади. Бу, албатта махсусот сифати ва тadbirkorларнинг кейинги савий-харакатларига боғлиқ.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: янги корхона фаолиятдан лавҳалар.

Ҳакимжон Солихов
олган суратлар.



фойдасининг маълум миқдорини келишилган шартнома асосида маҳалламиз ҳисоб-рақамига ўтказди ва ушбу маблағ ногиронлар, ёлғиз кекса қариялар, етим-есирлар ва ночор оилаларга ёрдам кўрсатишга сарфланади. Албатта, бу мурувватдан келиб чиққан эзгу ниятдир.

Алвон лента қийрилиб, корхона очилиш маросими тугагач, бичикчи ва тикувчилар дарҳол ишга киришишди. Улар илк буюртма — «Ўзгабель» корхонаси ҳамда

Ҳамкорлик

ЁШЛАР КЛУБИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон билан Россия ўртасида дўстлик ва маданий алоқалар тобора мустаҳкамланиб бормоқда. «Роззарубежентр»нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан амалга оширилаётган турли тadbirkorлар ҳам ана шундай муносабатларни янада барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ваколатхона савий-харакати билан Тошкентда «Ёшлар» клубининг очилиши ҳам айти муддао бўлди. Русийзабон ўқувчи ва талабаларни ўз атрофида бириштирган бу клуб маданият, таълим, фан ва спорт соҳаларидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш билан шуғулланмоқда. Халқлар дўстлиги ва маданиятларига бағишланган кечалар, учрашувларини ўтказиш ҳам клуб режасидан ўрин олди.

Бу ерда бир нечта секциялар ҳам ташкил этилди. Уларда адабиёт, санъатда оид маданий тadbirkorларни ўтказиш кўзда тутилди.

Клуб ўз йиғилишларини Тошкентдаги мактабларда ҳам олиб боради.

Нарзулла МАХАМОВ

Жамият тараққийоти ривожиде хотин-қизларнинг ўрни бўлакча. Шу боис ҳам ўкув маъсасаларида, маҳалларида қизларнинг билимдонлигини, зуққолигини синовдан ўтказиш, уларни ҳаётга тайёрлаш мақсадида турли хил танловлар ўтказиб келинаётганлиги қувонарли ҳол.

Танловлар

ЗУККО ҚИЗЛАР БЕЛЛАШДИ

Куни кеча Ҳамза туманидаги 206-мактабда бўлиб ўтган «Иқбол» кўрик-танлови юқридаги фикримизга яққол далил бўла олади. Туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Мавнавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлимидаги ҳамкорликларида уюштирилган ушбу кўрик-танловда «Ўрта масжид», «Бинокор», Зебо Шамсутдинова ҳамда Муҳимий номи маҳаллаларда истиқомат қилаётган иқтидорли қизлар иштирок этдилар.

Ҳамза туманидаги маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилари, маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари, 206-мактаб ўқитувчилари, ўқувчилари, туман ҳокимлиги, «Мавнавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими раислари иштирокида ўтказилган ушбу танловда қизларнинг ишчиллик, қобилияти-

лик, билимдонлиги, орасталик ва лобарлик хислатлари синовдан ўтказилди.

Танлов шартларидан ўрин олган шажара тарихи, маҳалла тарихи, чеварлик, пазандалик ҳамда «Миллий истиқлол гоёиси» фани бўйича берилган саволларга ҳар бир қиз бурро жавоб беришга ҳаракат қилганлиги тақсирга сазовор.

Қизқаркли кечган танлов якунида Зебо Шамсутдинова номи маҳалла вакили Моҳинчеҳра Фохир қизига «Энг латофатли, чаққон қиз» номинацияси бўйича голиб бўлиш насиб этган бўлса, «Бинокор», «Ўрта масжид», Муҳимий номи маҳаллалар қизлари Шаҳноза Қодирова, Нозима Абдуллаева ва Дилноза Шоқирова-лар «Энг пазанда қиз», «Ширинсухан, чевар қиз» номинацияларида биринчи ўринни қўлга киритишди.

— Қизларнинг ҳаётда ўз ўринларини тезроқ эгаллашларида, уларнинг эҳти, зуққолиги ва би-

лимдонлигини янада такомиллаштиришда «Иқбол» кўрик-танловининг аҳамияти катта, — дейди бу ҳақда Зебо Шамсутдинова маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Рафика Юнусова, — танлов иштирокчиларининг топқирликлариға гувоҳ бўлиб шундай фикрга келдимки, «Иқбол» кўрик-танловини ҳар бир маҳаллада, ҳар бир мактабда тез-тез ўтказиш зарур ва шарт. Ана шунда қизларимиз орасида ажойиб ташкилотчилар, раҳбарлар, олимлар, кўйинги, ҳар бир соҳанинг етуқ билимдонлари етишиб чиқди.

Қизқаркли кечган кўрик-танлов якунида номиначилар голибларига туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Мавнавият ва маърифат» марказининг туман бўлими раислари тақдим этган совғалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

БИЗГА ОВОЗ БЕРИНГ!



Маъсуда Хайруллаевна ИШМУРАТОВА

1953 йилда Ўш шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Ўзбекистон миллий университети (илгариги Тошкент давлат университети)нинг филология факультетини тугатган.

М.Ишмуратова меҳнат фаолиятини тикувчи-мотористкаликдан бошлаган. Университетда ўқишни мактаб ўқувчилари саройида услубчи, кейин ташкилотчи сифатида ишлаб муваффақиятли битирди. 1985-1991 йилларда қайд этилган тумандаги «Китобхон» жамиятига раҳбарлик қилди ва шу билан бирга хотин-қизларнинг фаолиятини ошириш, миллий қадриятларимизни тиклаш борасида талай ишлар олиб борди, шу жумладан «Маслакдош», «Садоқат», «Саодат» каби аёллар тўғарақларини ташкил қилди. 1993 йилдан Улугбек шаҳарчаси маҳаллалари фаолиятида бевосита иштирок этиб, хусусан, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаоллигини оширишга қаратилган турли тадбирларга ташкилотчилик

қилди.

М.Ишмуратова 2002 йилда Тошкент шаҳри маҳаллалари хотин-қизлар кенгашлари раислари орасида ўтказилган кўриқ-танлов ғолиби деб топилди. У Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ҳозирги кунда Маъсуда Ишмуратова Мирзо Улугбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий ишлар бўйича маслаҳатчиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг фаол меҳнатини инобатга олиб, Мирзо Улугбек тумани Ҳумоюн округи атрофида жойлашган маҳаллалар фуқаролари бир овоздан М.Ишмуратова номзодини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига тавсия этдилар.

Бундай юксак масъулиятни чуқур англаган ҳолда Маъсуда Ишмуратова, хаттоки кўпчилик сайловчилар овозига мушарраф бўла олмаса ҳам, бор куч-ғайратини аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилашга, барча муҳтожларга имкон қадар ёрдам беришга сарфлашни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўймоқда. Унинг сайловолди дастури ҳам айнан шу мақсадларга йўналтирилган.



Азиза Ҳикматуллаевна ЮЛДАШЕВА

1970 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети (илгари Тошкент педагогика институти)нинг умумтехника фанлари ва меҳнат фаолиятини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини пойтахтдаги 112-мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1997 йилдан ижтимоий йўналишдаги республика маҳсуус гимназиясида чизмачилик фанидан дарс берган. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда «Ўзбекистон» ва «Тошкент» телеканалларида суҳбатчи ва мухбир сифатида фаолият юритган.

А.Юлдашева 2003 йилда Усмон Носир номидаги 241-мактаб директори этиб тайинланган.

Азизанинг ҳаётдаги мақсади — ҳар доим воқеликдан хабардор бўлиш, инсонлар манфаати, уларнинг оғирини енгил қилишдан иборат. Унинг бундай фазилатлари истиқомат қилаётган маҳалласида аниққас кўзга кўринарли. Шу боисдан ҳам Мирзо Улугбек тумани Гулшан округига қарашли маҳаллалар аҳолиси Азиза Юлдашевага ишонч билди-

риб, уни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодини қўллаб-қувватладилар. Бу борада хайрихоҳликни шу ҳудудда жойлашган 241-мактаб ўқитувчилари — номзод раҳбарлик қилаётган жамоа ҳам билдирди.

— Менинг номзодим кўрсатилган округ бўйича яна беш киши номзоди рўйхатга олинган ва агарда бу машаққатли рақобатли курашда Халқ демократик партияси, «Миллий тикланиш», ЎзЛиДеП, Фидокорлар партияси каби сиёсий кучлар устидан устун келсам, — дейди ўз сайловолди дастури хусусида тўхталар экан Азиза Юлдашева, — бор кучимни ва имкониятларимни сайловчиларим — манфаатларини амалга оширишга сафарбар қиламан. Хусусан:

— ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами манфаатларига оид шаҳар миқёсида амалда бўлган меъёрий ҳужжатларга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритишга эришиш;

— мактаб доирасида болаларнинг манфаатлари ва иқтидорларини ҳисобга олган ҳолда қўшимча таълим олишлари учун шароит ва имкониятлар яратиш;

— «Мактаб — маҳалла — оила» тизимининг барча бўғинларини фаоллаштириш ва унинг доимий ишлашини таъминлаш.



Джурабек Зайнуддинович САИПОВ

1943 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети (илгариги Тошкент политехника институти)нинг архитектура факультетини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1959 йилда Тошкент кўн-мўйна заводидан ишчи сифатида бошлаган. 1967 йилда Туркманистон Республикаси Мари шаҳридаги чегара кўшинлари олий мактабини, 1975 йилда Тошкент давлат техника университетини тугатди. 1969-1993 йилларда I-сонли Тошкент қарлар ўқув ишлаб чиқариш корхонаси чарм атторлик бўлими бичувчиси, цех бошлиғи, корхона раҳбари сифатида фаолият юритди. 1994 йилдан Қарлар марказий бошқарув идораси бош директори лавозимида ишлади. Шу соҳадаги кўп йиллик меҳнати инобатга олиниб, Джурабек Саипов «Меҳнат фахрийси» медали билан тақдирланди.

1999 йилдан шу кунга қадар Д.Саипов Ойдин Собирова номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаб келмоқда. 2002 йилда «Энг ибратли маҳалла оқсоқоли» танловининг шаҳар босқичи совриндори бўлган.

Д.Саиповнинг маҳалладошлари

Акмал Икромов тумани Абдулла Қодирий округи атрофидаги бир неча ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари билан келишган равишда унинг номзодини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатишди ва айни пайтда депутатликка номзод жойларда ташкил этиб келинаётган сайловолди учрашувларда фаоллик билан қатнашиб, аҳоли томонидан долзарб масалалар юзасидан билдирилаётган фикр-мулоҳазаларни таҳлил қилиш билан машғул. Чунончи, уларнинг ўз сайловолди дастурида инобатга олинмаганлари юзасидан тегишли ишларни амалга оширишни режалаштирмоқда. Шу жумладан куйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратишни лозим деб билади:

— маҳаллаларда маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишларини жонлантириш,

— ишсизларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида жойларда кенгроқ равишда тадбиркорликни ривожлантириш, кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини ташкил этиш,

— ёшлар орасида тарбиявий, ахлоқий, ҳуқуқий ва спорт ишларини фаол амалга оширишда турли даражада ҳамкорликни кучайтириш.

— Мен маҳалладошларим орасида уларнинг муаммолари ва ташвишларига ҳамдард бўлиб хизмат қилиб келаётган эканман, депутатлик насиб этса барчанинг фаровон ҳаёт кечирishi йўлида куч-қувватимни сарфлашга ҳаракат қиламан, — таъкидлаб дейди Д.Саипов.



Равшанбек Давлатович КУРБАНОВ

1947 йилда Хива шаҳрида ҳуқуқшунос оиласида таваллуд топган. 1973 йилда Самарқанд тиббиёт институтини тугатган.

Меҳнат фаолиятини Хоразм вилоятида шифокор сифатида бошлаган. Беш йил Москва кардиология марказида амалий тажриба орттирди. 1981 йилдан бошлаб Республика кардиология илмий-текшириш институти илмий ходими, лаборатория мудир сифатида фаолият юритди.

Равшанбек Курбанов улкамизда юрак-томир касалликлари даволанишини такомиллаштиришни минтақавий шароитдан келиб чиққан ҳолда олиб бориб, катта муваффақиятларга эришди. Унинг тажриба мактабини 100 дан зиёд ёш мутахассислар ўтади. Р.Курбанов беш нафар фан доктори, 15 нафар фан номзодини тайёрлади. Тиббиёт фанлари доктори илмий даражасига эга салоҳиятли олим 150 дан зиёд мақола, тўққизта монография, кўплаб услубий қўлланмалар яратиб, тиббиёт соҳаси ривожига салмоқли

ҳисса қўшишга муваффақ бўлди.

Профессор Равшанбек Курбанов республика бош кардиология сифатида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқишда, Республика ихтисослаштирилган кардиология марказини ташкил қилишда, жойларда кардиология тизимини ривожлантиришда фаоллик кўрсатган. Самарарида меҳнати эвазига у Республикада хизмат кўрсатган тиббиёт ходими унвонига сазовор бўлган. Бугунги кунда Р.Курбанов Республика ихтисослаштирилган кардиология марказига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Равшанбек Курбановнинг заҳматкашлиғи ва жамоат ишларида кўрсатаётган ҳалол хизматини инобатга олиб, Яланғоч мавзеси аҳолиси фуқаролар йиғинининг бирлашган мажлисида унинг номзодини Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатишни бир овоздан қўллаб-қувватлашди.


— Менга билдирилган бундай юксак ишончни оқлаш йўлида барча сай-ҳаракатларимни аямасликка, — дейди Равшанбек Курбанов, — агарда депутат этиб сайлансам — бутун имкониятларимни юртдошларим соғ-саломатлигига бахшида этишга сўз берман.



ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАҚСАДИМИЗ — ОБОД ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ҚУРИШИ!

Номзодлар навбатдаги чиқишларида куйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилдилар:

1. ЎзЛиДеП Сизга нима берди?
2. Қайси масалаларни энг долзарб деб ҳисоблайсиз?
3. Агар депутат бўлсангиз...



Зайниддин ХУДАЙБЕРДИЕВ:
(1968 йилда туғилган. Тошкент банк коллежи директори. Номзоди 23-Тансиқбоев сайлов округи бўйича рўйхатга олинган)

1. Бир неча йиллардан буён тadbиркорлик соҳаси учун кадрлар тайёрлаш муаммолари юзасидан илмий изланишлар олиб бораман. Бу жараёнда мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг асосини ташкил этувчи тadbиркорлар ва ишбилармонлар қатлами шакллантириш, улар сафини кенгайтириш, фаолиятини ривожлантиришга уңрайдиган муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида тақлифларимиз илмий мақолаларда ўз аксини топиб келган. ЎзЛиДеПга асос солиниши билан мен биринчилардан бўлиб ўшбу

ҳаракатга қўшилдим, чунки юқоридики айтилган ақсарият муаммоларнинг ҳал этилишида партия сиёсий куч сифатида тadbиркорлар ва ишбилармонларни бирлаштириш, уларни ҳимоя қилиш имконини яратди.

2. Аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, ёшлар бандлигини таъминлашни асосий масалалардан бири деб ҳисоблайман. Мазлумки, қўпгина ривожланган мамлакатларда аҳолининг 65-90 фоизи хусусий сектор, кичик бизнес билан банд бўлиб, яъни ички маҳсулотнинг 60 фоиздан ортиги билан таъминланади. Ўзбекистонда ҳам ўшбу кўрсаткичларга яқинлашиш имкониятлари мавжуд. Бунинг учун, менинг назаримда, энг аввало аҳолининг ишбилармонлик саводхонлигини ошириш ва шу йўсинда иқтисодиётнинг тadbиркор кадрлари, аҳолининг эса ишбилармонлик қўнқималарига бўлган эҳтиёжи қондирилиши мумкин. Ўз навбатида бу борада ҳар бир фуқаронинг, айниқса ўқув юртлирини тугаллаётган ёшларнинг тadbиркорлик соҳасида мажмуавий билимларни эгаллашни кафолатловчи қонун ва қарорлар қабул қилиниши лозим.

3. Домий равишда аҳоли шартшароитларини ўргана бориб, унинг тақлиф ва истакларидан келиб чиққан ҳолда тегишли муаммоларни ҳал этиш борасида асосли ечимга эга тақлифлар киритиш, ижтимоий инфратузилани ривожлантириш, ишсизликнинг олдини олиш, аҳолининг реал даромадларини ошириш юзасидан қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинишида ташкилотчилик ва ташаббускорлик кўрсатишни режалаштирганман.



Насрулло АБДУВАЛИЕВ:
(1950 йилда туғилган. «Сиб-Ақбар» МЧЖ директори. Номзоди 10-Бўз сайлов округи бўйича рўйхатга олинган)

1. Партиянинг сиёсий маънавияти доирада ривожлантириш, бу соҳада фаолият юритаётганлар учун барча қулайлик ва имкониятлар яратиш лозимдир. Шунингдек, тижорат банкларида иш юритиш тизимини такомиллаштириш, фуқароларда, айниқса тadbиркорларда молиявий институтларга нисбатан ишончни мустаҳкамлаш айти мудоаб бўлар эди.

3. Ҳайоми, мамлакатимизда икки палатали парламент тизими ташкил толганидан сўнг юқоридики каби муаммолар босқичма-босқич ҳал этилади. Ҳар бир депутат ҳуқуқий жамиятда сиёсий жараёнларни ҳаракатлантирувчи қудратли омил бўлиб, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишга ҳизмат қилиши лозим.

2. Авваламбор тadbиркор-



Дилором БАБАДЖАНОВА:
(1952 йилда туғилган. Ўзбекистон Фанлар академияси ташкилий бўлими бошлиғи. Номзоди 5-Мақсуд Шайхзода сайлов округи бўйича рўйхатга олинган)

1. Бу партия мамлакатимизда тadbиркорлиги, ташаббускорлиги, ўз ишини ташкил қилиш, гоё ва лойиҳаларини амалга ошириш эвазига шахсий, оилавий фаровонликка эришадиган жамият фаровонлигига интилувчи барча кишиларни бирлаштирилади. Партиянинг ҳар бир жаъдада эзгу ишлари, сиёсий жараёнлардаги фаол ҳаракатлари, ислотхотлар йўлида олиб бораётган меҳнати янада самарали бўлишига ишонман. ЎзЛиДеП ёш кесак — барча-барчани ерқин мақсадлар сари интиштирмақда, уларда эртанги кунга ишонч ва умид туғдирмақда, ғайрат ва шижоат бағишламақда, қуд-

ратли куч ва мадд бермақда. Шундан экан, бемалол айта олишимиз мумкинки, партия бизга жуда катта улғурорлик бахшида этди. Унинг обрў-эътибори ва сафи тобора орташиб, халқни ўзининг орқасидан эргаштириб бораётгани фикримиз далилидир.

2. Партия дастурида кўрсатилган вазифалардан келиб чиқиб, қуйидаги масалалар ҳал этилишини устувор деб ҳисоблайман: тadbиркорлар учун янада кенгроқ фаолият юритиш учун янги имкониятлар очини, сўз, фикр, вийдон ва матбуот эркинлигини демократик жамият таъмоиллари асосида такомиллаштириш ва таъминлаш, давлат бошқарувида аёллар иштирокини фаоллаштириш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш, қонун устуворлиги таъминлашида фаоллик кўрсатиш, фуқароларда ижтимоий ва

сиёсий фаолликни ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш...

3. Асосий эътиборимни кўпчиликни ўйлантираётган муаммолар, жумладан қонун устуворлигини таъминлаш, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш ва демократлаштириш, бозор ислотхотларини чуқурлаштириш, тadbиркорларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалалар ечимига қаратган бўлардим. Шунингдек, мамлакатимизда эришилаётган илмий ютуқ ва натижаларни халқ ҳўжалигини ривожлантириш, янги жамият қуриш жараёнига кенг миқёсда ва самарали жорий этиш, илм-фан тизимида ҳизмат қилаётган инжонлар хотин-қизларнинг илмий салоҳиятини тўлиқ юзага чиқариш, фанининг устувор илмий натижаларини тadbиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш ишларига бевосита йўналтириш ниятим бор.



Боситжон ЮСУПОВ:
(1956 йилда туғилган. Тошкент метрополитени «Метрос» шўъба корхонаси директори. Номзоди 1-Ойбек сайлов округи бўйича рўйхатга олинган)

1. Партия мендаги келажак бўлган ишонч туйғусини янада кучайтирди ва халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёти учун конституциявий ҳуқуқларимиз доирасида янги ҳаракатланиш ва курашиш имкониятларини берди.

2. Солиқ тўловчи асосий қатлам — мулкдорлар сони кўпайса, бюджетга тушувлар ҳажми ҳам ошади. Шу билан бирга ҳукуматнинг халқ олдидаги ўз ижтимоий мажбуриятларини тўлиқ бажариш имконияти вужудга келади ва бу бугунги кундаги долзарб муаммоларнинг ечимига асос бўла олади. Бунинг учун тadbиркор ва фермерларга амалдаги қонунлар доирасида янги турдаги солиқ имтиёзларини тайёрлаш ва тақлиф этиш, тadbиркорликнинг ривожланишига ҳалақат бераёт-

3. Қонунчилик палатасига сайланган партиядошларимиз фракциясида жойлардаги долзарб муаммоларнинг ечимини ҳақиқатда тақлифларни киритиш, уларга аҳолининг фаровон ҳаётини таъминлашга қодир бўлган қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишга ҳар томонлама қўмақлашиш билан бир қаторда агарда депутат этиб сайлансам, менинг эзгу мақсадим — шахримиздаги ҳар бир инсоннинг кадр-қиммати, шаъни ҳурмат қилинадиган фаровон ва тинч ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган имкониятларини яратишда ишончли иштирок этиш ва шу йўлда фидоилик қилишдир.



Гулнора ИНАМДЖАНОВА:
(1956 йилда туғилган. Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари. Номзоди 13-Гулшан сайлов округи бўйича рўйхатга олинган)

1. Мени бир оддий фуқаро, қолаверса ҳуқуқшунос, ижро ҳокимиятининг вакили сифатида мамлакатимизда олиб борилаётган ислотхотларнинг татбиқ этилишида уңрайдиган айрим тўсиқлар, хусусан жойларда қонунлар, ҳусусан талаб даражасида эмаслиги, баъзи давлат идораларидаги янгилик ва ташаббускорликка йўл бермаётган тўрачилик иллатлари қийнаётгани, уларни бартараф этиш йўллари нималардан иборат деган савол ўйлантираётган эди. Сиёсат майдонига

кириб келган тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ана шу муаммоларни ҳал этиш, Ватан равнақи, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган стратегик сиёсий қарарларнинг нўқтани назари билан мени ўзига жалб қилди.

2. Мен мансуб бўлган партиянинг иқтисодиётни эркинлаштириш борасидаги устувор вазифаси хусусий мулкчилик еткази ўрин тутган кўп қиррали иқтисодиётни шакллантириш, амалда аҳоли даромадларини ошириш, солиқ тизимини такомиллаштириш, яъни солиқ юкини камайтириш, меҳнатга ҳақ тўланилишини рағбатлантирувчи усулларни кенгроқ жорий этиш, бир сўз билан айтганда, халқнинг турмуш даражасини кўтаришидир.

Мен оила деган муқаддас кўрғонни мустаҳкамлаш, ёшлар ўртасида тузиладиган никоҳларнинг эркин, ихтиёрий бўлишини таъминлаш, никоҳланувчиларнинг тиббий кўриқдан ўттишлари келажакда соғлом, барқамол авлод тарбияланшининг замини эканлигини оила қуриш истагида муружаат қилган шахсларнинг онгига сингдириш борасида изчил ҳаракатимни давом эттираман.


3. Агар депутат бўлсам, ўз фаолиятим билан давлат ва халқ ўртасидаги ишонч кўприги бўлишга, халқнинг дардини, муаммоларини ҳукуматга етказишга, ҳаётбахш, халқчил меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишга фаол иштирок этишга бор куч-ғайратимни, билим ва тажрибамни сарфлайман.



Ҳолида БАБАХАНОВА:
(1956 йилда туғилган. «Ўзстандарт» агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи. Номзоди 25-Себзор сайлов округи бўйича рўйхатга олинган)

1. ЎзЛиДеП мамлакатимизда сиёсий маънавияти доирада ривожлантириш, бу соҳада фаолият юритаётганлар учун барча қулайлик ва имкониятлар яратиш лозимдир. Шунингдек, тижорат банкларида иш юритиш тизимини такомиллаштириш, фуқароларда, айниқса тadbиркорларда молиявий институтларга нисбатан ишончни мустаҳкамлаш айти мудоаб бўлар эди.

2. Солиқ тўловчи асосий қатлам — мулкдорлар сони кўпайса, бюджетга тушувлар ҳажми ҳам ошади. Шу билан бирга ҳукуматнинг халқ олдидаги ўз ижтимоий мажбуриятларини тўлиқ бажариш имконияти вужудга келади ва бу бугунги кундаги долзарб муаммоларнинг ечимига асос бўла олади. Бунинг учун тadbиркор ва фермерларга амалдаги қонунлар доирасида янги турдаги солиқ имтиёзларини тайёрлаш ва тақлиф этиш, тadbиркорликнинг ривожланишига ҳалақат бераёт-



Хусан МАМАСАЙДОВ:
(1978 йилда туғилган. «Офис Трейдинг» МЧЖ директори. Номзоди 3-Зиё Саид сайлов округи бўйича рўйхатга олинган)

1. Бугун тadbиркорларнинг ҳама шароитлар яратиш берилаётганлигига қарамасдан, уларни қўллаб муаммолар қийнаб келмақда. лекин бу борада ўз вақтида бирон бир мавжуд бўлган партия амалий ҳаракат қилмаган. Мақсад ва вазифаларини тadbиркорлар ва ишбилармонлар манфаатига йўналтирган ЎзЛиДеПнинг фаол аъзоси эканлигидан фохрланаман. Партиямиз

ўз фаолияти давомида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорлик омилли ҳисобланган мулкдорлар қатламинини, шу билан бирга аҳолининг муаммоларини конституциявий йўл билан ҳал этишга ҳаракат қилувчи сиёсий куч бўлиб қолишига ишонман.

2. Бу борада асосий билдирмочки бўлган тақлифим — барча учун тушунарли иқтисодий ўсиш стратегиясини ишлаб чиқишнинг керак, яъни ҳар бир инсон шаҳар, туман, маҳалла ривожланишида унинг вазифаси нимадан иборат эканлигини яқши билиши зарур. Шундангина ўз ишини тўғри ва дилдан бажаради. Ва албатта у меҳнати эвазига

тақдирланиши лозим. Бундан ташқари, тегишли ҳудудлар аҳолисини иш билан таъминловчи корхона ва ташкилотлар тўлайдиган солиқлар юкини камайтириш имкониятларини кўзлаш зарур.

3. Депутат бўлсам, ҳар бир масала ўз ижросига етиб бориши ва унинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга эътиборимни қаратган бўлардим. Қолаверса, сайлов натижалари қандай бўлишидан қатъи назар ўшбу йўналишда энг самарали механизм ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш борасида сый-ҳаракатимни давом эттиравераман.

3. Амалдаги қонунлар, Фармонлар, қарорлар бажарилишига ўз хиссамни қўшган ҳолда, тadbиркорликни янада ривожлантириш, киритилаётган чет эл инвестицияларининг асосий қисmini қишлоқ инфратузилмаларининг ривожлантиришга қаратиш, жойларда кичик корхоналар ташкил этиш орқали бандлик масаласини ҳал этиш, аёлларга уй шароитида тadbиркорлик билан шуғулланиш учун шарт-шароитлар яратиш бериш йўлида ҳизмат қилиш ниятим бор.

Шарқ дурдоналари

**ОЗ-ОЗ ҲАТТИНИ
ДОНО БУЛУҲ...**

• Хикоят: Бир табиб бир кишининг олдига борган эди. Унинг икки хил овқатни бир вақтнинг ўзиде еб ўтирганини кўрди. Унга:

— Икки овқатни аралаштириб ема, улар қорнингда келишолмай жанг пайдо қилади! — деди.

У эса доно табибнинг сўзларига кулоқ солмай ейишда давом этди. Бирок эртасига у касал бўлиб, оз фурсатда холдан тойди. Ноиложликдан бир кун аввал насихатига кулоқ солмаган табибга одам юборишга мажбур бўлди. Табиб келиб унга:

— Айтмаганмидим, бу икки овқатни ема, улар келишолмайди деб, — дея унга таъна қилди.

У деди:
— Йўқ, сенинг гапинг бироз нотўғри, улар келишиб олишиди, мени оёқдан кулатиш мақсадида иш олиб боришмоқда, деб алам билан жавоб берди.

• Ошиқдан сўрадилар:
— Дунёда ошиқ учун энг оғир ўқубат нима?

У жавоб берди:
— Узоқ муддатли умиддан кейинги ноумидлик!

• Ақли одамнинг ўзини мақтанишдан кўра ёмонроқ айби йўқ. Агар унинг сўзлари рост бўлса мақтанган бўлади, бордию бунинг акси бўлиб ёлғон бўлса, барчанинг олдига қадри кетади.

• Билгинки, нодонлик ўргатилмаган хайвонга ўхшайди. Кимки унга билиб-билмай минса у албатта хор қилади. Кимки унга яқинлаша тўғри йўлдан оздиради.

• Ҳамма вақт ҳам ишга киришиш ўйлашиб ўтиргандан яхши. Фафлатда қолиш эса кучли душмандан ҳам баттарроқдир!

• Мард билан улфат бўлган мардикка етади, Номардга яқин юрган киши ғамдан чиқмайди.

Мард одамнинг ваъдаси ҳам нақд, ҳам тез бўлади.

• Айтишларича, Гаштосиб кунлардан бирида ўз ватанидан айрилиб, Қўстантания шаҳрига келиб қолди. Унинг ёнида бир тийин ҳам пули йўқ эди. Ёйишга нарса тополмай, оч қолди. Бировдан сўрай деса, иззатнафиси йўл қўймас эди. Унинг ёнида ёшлиги тушди. У болалик пайтида мактабга бораркан, йўл четиде жойлашган темирчи дўкони олдиде бир оз тўхтаб, темирчиларнинг пичоқ ва болта ясашларини томоша қилар эди ва унинг сиридан бир мунча воқиф бўлиб қолган эди. Гаштосиб кўп ўйлаб ўтирмай темирчилар олдига борди ва уларга деди:

— Эй биродарлар, мен ҳам темирчилик сиридан анча хабардорман, мени ҳам ўзларингга шерик қилиб олсаларингиз.

Темирчилар рози бўлишди. Гаштосиб бир неча муддат ишлаб пул йигди. Сўнг ватанига қайтиб борди. У мартабага эришган пайтида барча ёшу қарини касбу хўнар ўрганишга даъват қилди. Болаларни куннинг аввалида ўқитиб, иккинчи қисмида хўнар ўргатишга фармон берди.



Ягона оинада

**БИЗ ДЎСТЛИКНИ
АРДОҚЛАЙМИЗ!**

Маълумки, гўзал диёримизда юздан ортиқ миллат вакиллари истикомат қилиб келишади. Улар тили, дини, иридан катъи назар билим олиш, эркин касб танлаш ҳуқуқига эгалар ва буларнинг бари қонун билан ҳимояланган. Биз юртимиздаги тожик, қирғиз, поляк, рус, украин, япон, татар, грузин каби кўп миллат вакилларининг урф-одатлари, анъаналари, миллий қадриятларини ҳурмат қилган ҳолда уларни ўрганишга, эъзозлашга ҳам интиламиз. Мақсадимиз ягона — дўстлик эканлиги барчага аён.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Яққасарой туман халқ таълими бўлими, туман ўқувчилар ижодиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилган «Биз дўстликни ардоқлаймиз!» шиори остидаги дунё халқлари рақс фестивали ҳам айти шу хайрли мақсадини кўзлаган ҳолда уюштирилди.

Рақслар фестивалида шаҳар ўқувчилар ижодиёт марказидан, қорейс маданият марказидан ва шаҳримиздаги 6 та туман ўқувчилар ижодиёт марказларидан ҳамда туман маданият уйларида рақс дасталари иштирок этишиб, беларусча, арманча, испанча, хиндча, тожикча, американча рақсларни намойиш қилишди.

— Албатта, ҳар бир миллат рақсларида ўша миллатнинг урф-одатлари, анъаналари, расм-русумлари акс этган бўлади, — дейди Яққасарой туман ўқувчилар ижодиёт маркази раҳбари Дилдора Яхёева. — Бугунги фестивалимизда ҳам фақат дунё халқлари рақсларидан баҳраман бўлиб қолмай, балки ўша халқлар тарихи, маданияти билан ҳам яқиндан танишдик, десам хато қилмайман. Бу каби фестиваллар қанчалик кўп ўтказилса, халқлар ўртасидаги дўстлик, тотувлик ришталари шунчалик мустаҳкамланиб бораверсиз.

Озода РАҲМАТОВА
СУРАТЛАРДА: РАҚС РАҚС ФЕСТИВАЛИДАН ЛАВҲАЛАР.

Шўйчулар

**ҚОРЛИ ХИЁБОНДАН
ХОТИРА ҚОЛДИ**

Шамол тинмай деразамни чертмоқда. У мени шафқатсиз ҳаёллар оғушига чорлаётир. Мен бу ҳаёлларда сенинг сурагингни кўраман. Уша илк бор учрашган кунимизни такрор-такрор эслаيمان.

Тадқир сени менга учратган куни табиат бутун борлиқни олпоқ рангга бўяётган эди. Олпоқ қор ёғаётган эди. Ха, олпоқ, худди менинг орзуларимдек тиниқ. Негадир ёғаётган қорни ўзимга ўхшатдим. Қор ҳам менинг юрагимдек ўйноқларди. Гоҳ тезлашар, гоҳ секинлашарди. У ҳам менинг қалбим каби парча-парча эди. Сен гоҳ кўзларинг билан ерга тушаётган қорни кузатардинг, гоҳида эса қор парчаларини кўларинг билан тутардинг. Узимни фақатгина бир нуқтада қорга ўхшашимни хохламас эдим. Мен ҳам осмондан сенинг кўларингга тушиб, эриб сув бўлиб кетаётган қор парчалар каби ҳаётингда бир мартагина учраб йўқ бўлиб кетишдан қўрқардим.

Ниҳоят саволларимнинг жавобсиз қолиб кетаётганига сабаб бўлаётган қор тинди. Шундагина на тун каби қора кўзларингни менга тикинган, ундаги ўт мени куйдириб юборди. Қаҳратон киши бағрида турганимни ҳам унутиб, ўт каби ёндим. Энди бу оташ бир умр менга тинчлик бермаслигини ўшандаёқ тушуниб етгандим. Лекин бир кун келиб мен сенинг ҳаётингдан эмас, сен менинг ҳаётимдан қор каби эриб кетишингни ҳаёлимга ҳам келтирмагандим.

Нега тақдир сенга келганда бе-

рахимлик қилди? Нега ҳаёт менга келганда адолатсизлик қилди? Нега шуна яхши-ёмон сизган дунёга сен сизмай қолдинг? Бевақт бу ёруғ оламин тарқ этдинг? Бу тубсиз дунё бағрига ёлғиз ўзимни армон билан ташлаб кетдинг?

Ха! Тоғдек армон билан. Негадир ўзинг менга ҳаёда этган соатни доимо кўлимда кўришни хоҳлардинг. Шунин билсам-да бепсандлик қилиб, уни синдириб қўйдим. Айбимни эса «йўқолиб қолди» дея ёлғон билан ювмоқчи бўлдим. Соатнинг «йўқолиб қолгани»дан каттиқ ранжидинг. Лекин мен шуни ўз вақтида пайқамадим. Нега сенинг сониялик хурсандчилигинг учун бутун борлигимдан кечиб бўлса ҳам елиб-югурмадим? Нега сенинг қалбинг билан қўшиб берган ўша соатни қайта қўлимга тақим учун ўшандаёқ ҳаракат қилмадим? Ким билсин, бу соат билан сен умринг тугаб бораётганини менга эслатиб турмоқчи бўлгандирсан. Ушандаёқ сен менга бунчалик қисқа вақт фанимат эканлигингни билганимда ёнингдан дақиқага ҳам силжимасдим.

Энди бари бефойда. Сендан менга фақатгина қорли хиёбондан қолган хотира-ю мудом чиқиллаб вақтинг давом этаётганини кўрсатаётган соат қолди.

Дилдора МИРТУСУНОВА

Республикаимизда бўлиб ўтадиган парламент сайловлари олдидан «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Юнусобод туман бўлими ҳам ёшларни сайловга тайёрлаш мақсадида бир қанча тадбирларни ташкил этмоқда.

«Қамолот» хабарлари

**ЮНУСОБОД
ТУМАНИ**

Ушбу тадбирларда шу туманда жойлашган барча мактабларнинг «Қамолот», «Қамалак» ва сиёсий-ҳуқуқий соҳа сардорлари ва аъзолари қатнашмоқдалар.

Куни кеча ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Унда республикаимиздаги барча сиёсий партиялардан вакиллар тақлиф этилиб давра суҳбати ўтказилди. Ҳар бир вакил ўз партиясининг йўналишлари, мақсадлари ҳақида ёшларга батафсил тўшунтириб, саволларга жавоб берди. Ушбу учрашувни ўтказишдан мақсад ёш авлоднинг сайлов ҳақидаги тўшунчаларини кенгайтириш, партияларнинг келгусидаги режалари билан таништириши, ёшларни шу йўналишларга қизиқтиришдан иборат эди. Шунингдек, ёшларга сайлов ҳуқуқи ва маданияти ҳақида тўлиқ маълумот берилиб, уларнинг сиёсий партиялар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ўрганилди.

• Юнусобод туманида жойлашган барча мактабларнинг Кенгаш сардорлари учун «Сизга қийин» мавзусида ўқув семинарлари бўлиб ўтмоқда.

Ушбу семинарда сардорларга болалар билан ишлаш, уларни тўғри бошқара

олиш, ҳужжатларни тўғри юритиш, тадбирларни тузишда тўғри йўналиш ишлаб чиқиш, ташкилий ишларни олиб бориш ҳамда ҳар битта боланинг психологиясини ўрганиб чиқиб ишни уюштириш борасида билимлар ва маслаҳатлар берилмоқда.

**МИРЗО УЛУҒБЕК
ТУМАНИ**

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати М.Улуғбек туман бўлими томонидан туманда жойлашган 18, 27, 35, 49, 50-мактабларнинг битирувчи синф ўғил болалари иштирокида Тошкент Ҳарбий умумқўшин кўмондонлик билим юртига экскурсия уюштирилди.

Ўқувчиларни ҳарбий билим юрти тарихи билан таништириш мақсадида «Қамолот» ҳарбий музейга олиб борилди. Билим юртининг ҳарбий кафедраси ходимлари билан суҳбат ўтказилиб, ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишиди, сўнг шу билим юрти курсантларининг ётоқхоналарини кўриб уларнинг ҳаётлари билан танишдилар. Ушбу билим юртига қўйилган саёҳат ёш юракларда асқар бўлиш ҳавасини уйғотди.

Саида
МАМАТИСАКОВА,
«Бунёдкор» ёшлар телеклуби ходими.

Шифобахш

Ҷисмликлар

СИГИРҚУЙРУК

... Ёввойисининг олтин рангли гули сочи қизартиради... Япроғининг қайнатмаси шишларда фойда қилади. Асал билан жароҳат ва яраларга суртилади. Тиш оғриғида қайнатма билан оғиз чайилади. Қайнатмаси давомли йўталда фойда қилади. Бунинг оқ япроқли ва қора япроқли хили давомли ич кетишга фойдалидир.

САЧРАТҚИ

Сачратқи ички аъзолар ва томирларнинг тиклмаларини очади. Подаграга куюқ суртма бўлади.

Иссиқ кўз яллиғланишига фойда қилади. Ёввойи сачратқининг сути кўзнинг оқини кетказди.

Юрак ўйноғига қарши арпа уни билан қўшиб куюқ суртма қилинади. Юракни кучли қилади.

Кўнгил айнаш ва сафро кўзголишини босади ҳам меъдани кучли қилади. Сачратқини, айниқса унинг ёввойисини сирка билан ейилса ични қотиради.

СУНБУЛ

Ҳамма хиллари ҳам ҳафаконга фойда қилади. Кўкрак ва ўпкани тозалайди, уларга моддаларнинг ва наздаларнинг оқинини тўхтатади. Жигар ва меъда тиклмаларини очади ва у аъзоларни қувватли қилади. Ҳамма хили ҳам сариқ касалига фойда қилади, меъданинг ачишини босади. Уни совуқ сув билан ичилса, кўнгил айнашини босади. Ҳамма хили ҳам сийдикни юриштиради.

ТОҒЖАМБИЛ

Кўз қувватини сақлаш ва унинг заифлигини кетказиш учун овқатга тоғжамбил аралаштирилади.

Асал билан қайнатиб яланса, кўкрак ва ўпкани тозалайди, баламнинг кўчишига ёрдам қилади ва ёлғон қовурга учлари остидати оғриқларни босади. Қуригиш хусусияти бўлганидан қон туфлашни ҳам тўхтатади. Сўгалларни йўқотеди.

ТАКАСОҚОЛ

Қуритилган барглари (яраларни) битиради ва эски яраларга фойда қилади. Гуллари эса ҳаммадан ҳам кўпроқ таъсир қилади.

Илдизи қулоқ чиркинни тозаловчи, қулоқдаги яраларни қуритувчи, қарликка фойда қилувчи дориларга қиради.

Гуллари, барги, илдизи — шуларнинг қайси бири бўлса ҳам, арпа суви билан ичилса, ўпкадаги яраларга фойда қилади, шираси эса қон туфлашда фойда қилади.

Унинг ўзи, айниқса шираси, меъдани маҳкамлайди ва унга ёмон сифатли хилларнинг оқиб тушишига тўсқинлик қилади.

Танловлар

«ЎЗБЕКИСТОН: СЕВГИ ИЗҲОРИ»

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент фото ўйи ҳамда Hewlett-Packard корхонаси ташаббуси билан «Ўзбекистон: сеvgи изҳори - 2004» фото танлови бошланди.



Танловда жами 775 та асарлар иштирок этаётган бўлиб, 144 та мохир фотоси, «Қандай гўзал бу олам», «Пейзаж ва архитектура», «Болаларга

усталарнинг, ҳаваскор ижодкорларнинг расмлари ўрин олган. «Ўзбекистон: сеvgи изҳори» танлови биринчи мартаба 2003 йилнинг кузида ўтказилган эди. Унда энг яхши сурат учун Гранприга истеъдодли сураткаш А. Аблянов ўзининг «Баҳор» расми билан сазовор бўлган. Шунингдек, танловнинг «Портрет» номинация-

«Узбекистон хорижликлар назарида» янги йўналиши ташкил этилиб, унга чет эллик меҳмонларни ҳам жалб этиш мўлжалланган.

11 декабрда давом этадиган кўрғазма ғолиблири фотокамера ва замонавий, антика фотопринтерлар билан тақдирландилар.

Юлдуз РИЗАЕВА СУРАТЛАРДА: кўрғазмадан лаҳзалар.

Владимир Гранкин олган суратлар.

бағишланган энг зўр расм» каби шартлар бўйича ғолиблири аниқланган эди.

Ушбу расмлар кўрғазмаси доирасида, Россиянинг Третьяков галереяси коллекцияларидан ҳам асарлар намойиш этилмоқда. Улар орасида XIX асрнинг буюк усталари К.Айвазовский, К.Клодт, И.Куинджи, И.Левитан асарларидан нусхалар ҳам бор.

«Томошабинлар танлови» номинацияси 10 кун давом этади, ғолиб сўровлар, овоз бериш йўли билан аниқланади. Ҳар бир томошабин учун эндиликда анкетани тўлдириб, овоз бериш имконияти яратилган. Утган йилги танловда ушбу номинация бўйича Ўзбекистон Республикаси санъатшунослик институти талабаси Рустам Назарматов ғолиблики кўлга киритган эди.

Бу йилги танловда «Узбекистон хорижликлар назарида» янги йўналиши ташкил этилиб, унга чет эллик меҳмонларни ҳам жалб этиш мўлжалланган.

11 декабрда давом этадиган кўрғазма ғолиблири фотокамера ва замонавий, антика фотопринтерлар билан тақдирландилар.

Юлдуз РИЗАЕВА СУРАТЛАРДА: кўрғазмадан лаҳзалар.

Владимир Гранкин олган суратлар.

Воқеалар,

ақишликлар,

хабарлар

«БЛЭК ХОУК»НИНГ ҲАЛОКАТИ

«Блэк Хоук» ҳарбий вертолети Американинг Техас штатида ҳалокатга учради. Бу ҳақида куни кеча CNN телеканали хабар қилди.

«ЗДОРОВЬЕ»НИНГ КАТТА ШОДИЁНАСИ

Россиянинг «Здоровье» журнали ўзининг катта тантанасини ўтказди. Айтиш жоизки, ушбу талбирга журнал жамоаси 5 йил давомида катта тайёрлик қўрди. Журналнинг тузилиши, янги дизайни «Здоровье» мухлисарига, байрам иштирокчиларига тақдим этилди.

«Ренеме-прессинг» агентлиги журналнинг тузилиши, унинг дизайни, байрамни ташкил этиш ишларига бош-қош бўлди.

Кечанинг барча иштирокчиларига эсдалик совғалари топширилди.

Интернет хабарлар асосида Юлдуз УСМОН тайёрлаган.

Аскиячиларимиз тарихидан

АБДУЛЛА ФОНУСЧИ

Асли унинг исмини мухлислари аввалига «Абдулла фонусчи», кейинроқ эса «Абдулла фонус» дея атай бошлаганлар. Бу антиқа кизиқчи Тошкент шаҳрининг Чорсу бозори атрофидаги маҳаллалардан бирида темирчи-тунақасоз оиласида 1828 йили таваллуд топган. У ота касбини давом эттириб, фонус, яъни қўлда кўтариб юрадиган чироқлар ясаб сотиш билан кун кечирган.

Академик адибимиз Фафур Фуломнинг эсдаликларида ёзилишича, Абдулла фонусчи кизиқчилик ва аския айтиш билан бирга овозлар тақлиди соҳасида ҳам ўхшаши йўқ экан. У ёш қизлар, шўх болалар, овози дўриллаган йигитлар, шунингдек эзма кампирлар, мадорсиз қоллар товушларини худди ўзларига ўхшатиб сўзлар, ҳатто, қушлар сайрашию тойчоқлар кишнашигача унрига қўяркан. Паст бўйли, қорачадан келган бу кизиқчи кўпроқ оғзаки қулгили ҳикояларни тўқиб, образларга кириб, турли овозларда ижро этганида одамлар кулавериб, кўзларидан ёш чиқиб даражасига етаркан. Абдулла фонуснинг «Ковуш ўриси», «Аёл ювгучи», «Шилар даллол» каби ичакузди ҳикоялари ва бошқа латифанамо юморлари ҳалигача мухлислари томонидан оғиздан оғизга кўчиб қолади.

1912-1914 йиллари Чорсудаги Илҳом самоворчи чойхонасида Россиянинг Ногинск пластинка заводидан вакиллар келишиб, Тўйчи ҳофиз, ака-ука ҳофизлар Шоқосим, Шоолим, Шоакбар Шожалиловлар, шунингдек, бошқа санъаткорлар ва кизиқчилар овозини пластинкаларга туширадилар. Бундай эзгу ишга Мулла Тўйчи ҳофиз ва Илҳом самоворчи билан бирга Абдулла фонуслар бош-қош бўладилар. Шу аснода Абдулла фонуснинг ҳам бир нечта ҳикоялари ёзиб олинганди. Афсуски, у даврда граммафонлар санокли бойлардагина бўлганлигидан ёзиб олинган кўп пластинкалар бизгача етиб келмаган.

Халқимиз жон-дилдан севган ардоқли кизиқчи Абдулла фонус 1914 йили 86 ёшида вафот этади. Унинг овози ёзилган фақат биттагина «Чорбозорчи хасис» деган пластинкадаги ҳикояни эътиборингизга ҳавола этамиз.

ЧОРБОЗОРЧИ ХАСИС

Кўшимиси Миркамол чорбозорчини Тошкентдай шаҳри азимда танимайдиганлар жуда кам топилади. Қадимги бир китобда Хотамтой деган киши сажийлик ва мардлик бобида шўхрат топгани ёзилган. Аммо, бизнинг Миркамол ўта бахилликда ном қозонган. Хотини Замира ҳам ўзига яраша аҳволда. Эр-хотин подачидан ош, гадойдан нон сўраб, кун ўтказардилар. Фарзандлари йўқ. Ҳамсоялардан чикадиган кўшни оши тазмасида ҳовли деворининг уч томонидан туйнук очиб қўйишган.

Кўнларнинг бирида хотини Замира Миркамолнинг атрофдаги қишлоқлар бозорларида санғиб юришидан шикоят қилиб, унга йиғлаб деди:

— Хой эр, сиз қаро ермисиз. Бу қуриган, қакшаган уйда ёлғиз ўзим қолавериб, жинни бўлай деяпман. Нима қилади, менга раҳм қилиб, бир қўйми ё тана олиб берсангиз. Ёлғизлигимда ўшани боқиб, бундоқ овуниб, йўқлигингизни оз

бўлса ҳам унутиб юрардим...

Миркамол ҳафтанинг олти кун қишлоқ бозорларида дайдиб, «Усма кет», «сурма кет» қилиб юрарди. Шанба кун Кўктерракда, яшанбада Турбатда, душанбада Тўйтепада, сешанбада Уртасаройда бўлса фақат, чоршанбада Тошкентда, жума кун эса Жумабозорга йўртиб қоларди. Унинг босотида ҳамма нарса бор: лампа пилик, ўлдирилган симоб, ошқини маъшўққа, маъшўқни ошқққа иссиқ-совуқ дуоси, игна, сақич, маккаи сано, ҳар хил тумор, эзиб ички, хуя дори, тиш қавлагич, бурга дорилар ва ҳоказолар. Деҳқонлар орасида ўз ҳолича табиблик ҳам қиларди: зулук соларди, қон оларди, сурги ичирарди, симоб ютказарди. Хуллас, у бокан касаллар ё ўларди, ё қоларди...

Шундай қилиб у ҳафтада бир кун — чоршанбада кечқурундан то эрталабгача уйда бўларди. Хотин жонивор олти кун тор уйда ёлғиз ўтирарди.

Замиранинг ҳалиги гаплари Миркамолга маъқул тушиб, мол бозоридан танлаб-тандлаб, зўрға тик тура оладиган ориқ-дирдов кўйни арзон-гаровга олиб келадиди-да, яна бозор овлаб кетади. Шўрлик Замиранинг бахтига оч қолган ориқ кўй

тинимсиз маъраб, жиғига тега бошлади. Кўйи-кўшнидан чиқадиган нишқурдлар етмасди бу дирдовга. Кейинги чоршанбада эри келганда Замира зор қақшаб, қовчираб арз қила кетди:

— Хой эр! Сиз бу ҳайвонни мени ўлимидан беш кун бурун гўрга тикиш учун олиб келганимисиз? Ҳозирқоқ йўқотинг, бўлмаса отамниқча кетаман!

Уша кун Миркамол нариги даҳадаги маҳалла қабристонига чеккаларда ўсиб ётган барра ўлтарга дирдовни етаклаб бориб ўлтаркан, гўрковни кўриб қолади:

— Уақхон — деди гўрковга, — биласанми, йўқми мен бепарзандман. Қариб қолдим, ҳеч кимим йўқ. Агар савоб учун хўп, десанг мени ўзинг кўмарсан, мана шу қўйни гўр қазиш ва дафн қаражатлари ҳаққи учун олиб қўйсанг, илтимос!

Миркамолнинг гапларига гўрков рози бўлиб, қўйни олиб қолганди. Орадан икки-уч ҳафта ўтганида Миркамол куруқ қабристон ёнидаги кўчадан ўтаётиб, ўз қўйни кўриб қолади. Қўй жуда семириб, думбаси тирсиллаб турарди.

— Йа, — деди ўзига ўзи, — текиндан текин шундоқ тирсиллаб семирган қўйни бериб қўяманми, йўлини топиб оламан!

У ана шу ҳаёлда бориб, гўрковнинг эшигини тақиллатди. Гўрков уйда экан, салом-алиқдан кейин сўради.

— Келинг, тинчликми Миркамол ака?

— Бе, қаёқда тинчлик, ука! Қоплонбек қишлоғидаги қизамиқ чиққан бир қизчани даволатиб, ярим қошиқ симоб ичирганим, ўлиб қолди. Шунга мени Уратепага бадарга қилишди. Мазам йўқ, у ёқда кўзим юмилиб қолса, мени кўмадиган одам топилмайди. Шу боис олдингга келдим, қани ука, кийиниб чик, бирга кетамиз!

— Мен нега борарканман? — ҳайрон бўлди гўрков.

— Ахир сени мени кўмишинг керак, кафилин, яъни хизмат ҳаққини олгансан! Агар бормасанг, қўйни қайтар, ўша ёқдаги гўрковга олиб бориб бераман!

Ноилж гўрков семириб кетган қўйни етаклаб келиб, Миркамолнинг қўлига тузқазди. Шундан кейин Миркамол куруқнинг кўнгли таскин топиб, қўйни олиб кетди. Уни сотдими ё сўйиб едим, буёғи маълум эмас.

«Хасис хаёсиз бўлар, Ери гиёсиз бўлар», деб шунга айтсалар керак-да!

Олим КЎЧҚОРБЕКОВ

Спорт

**ЯНГИ НОМЛАР
КАШФ ЭТИЛДИ**

Шарқ яккакурашининг энг жозибали турларидан бири бўлмиш каратэнинг республикамызда оммалашганига унчалик кўп вақт ўтмаган бўлсада, бироқ Ўзбекистон Каратэ миллий федерациясининг сазй-ҳаракатлари билан ушбу спорт тури юртимизда жуда тез ривожланиб бормоқда.

Мамлакатимиз каратэчилари нуфузли халқаро мусобақаларда эришган натижаларга назар ташлайдиган бўлсак, бунинг яққол гувоҳи бўламыз. Энг қувонарлиси, Отабек Қосимов, Илҳом Каримов, София Каспүлатова каби ёш ва моҳир каратэчиларимизнинг номлари аллақачон етти иқлимга таралган. Бунга эса кўп жиҳатдан каратэ бўйича мусобақаларнинг тез-тез ўтказилиб туриши, ёшларимизнинг йирик мусобақаларда мунтазам иштирок этиши омил бўлмоқда.

Шаҳримиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида кунги кеча якунланган яна бир нуфузли мусобақа — клуб жамоалари ўртасида Марказий Осиёнинг очиқ чемпионатида яна кўплаб янги номлар кашф этилди.

Мазкур мусобақа каратэчиларда катта қизиқиш уйғотганлигини унда мамлакатимиз спортчиларидан ташқари Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан жами мингдан ортиқ 1986-1996 йилларда туғилган ўсмирлар, қизлар ва болалар иштирок этганлигидан ҳам сезиш қийин эмас.

Кутилганидек, минтақада энг кучли ҳисобланмиш юртдошларимизга қозоғистонлик каратэчилар муносиб рақиб бўлишди. Зеро, финалга юртимиз спортчиларидан ташқари кўпроқ қозоғистонлик ёш каратэчилар чиққан бўлсада, бироқ асосан ҳамюртларимизнинг қўллари баланд келди.

Ўсмирлар ўртасида юртимиз спортчиларидан Б.Юнусов, Д.Муродиллаев, Н.Хўжаев, Ж.Маҳмудов, Д.Тургунов, Ш.Омонов ва бошқалар ката ва кумите баҳсларида барча рақибларидан устун келган ҳолда Марказий Осиё чемпионлари бўлишди.

(Ўз мухбиримиз)



ЭНГ МУҲИМИ — ҚАТНАШИШ

Республика олимпия захиралари коллежида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Спешел олимпик Ўзбекистон» ташкilotи, Ногиронлик бўйича ахборот ресурслари маркази ташкilotчилигида ногиронлар ўртасида спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Унда Республикамыз вилоятларидан ташриф буорган ҳаракат-таянч аъзолари шикастланган, заиф эшитувчи мингга яқин ногирон спортчилар армрестлинг, шахмат, баскетбол, енгил атлетика, стол тенниси бўйича мусобақаларда ўз кучларини синаб кўришди.

Кизиқарли, дўстона руҳда ўтган мусобақалар иштирокчилар ва ташкilotчиларнинг дилларини хушнуд этди. Зеро, худди Олимпиадалар широридек, энг муҳими ғалаба эмас, мусобақада қатнашиш, турнир руҳини туйишдир.

Зеро, ногиронларнинг завқ-шавқ билан беллашаётганларини кўриб, беихтиёр шундай хулосага келади, киши.

Мусобақаларда айниқса, шаҳримиз вакиллари кўплаб юкори ўринларга сазовор бўлишганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар.



Касалликнинг асосий манбалари ўтхўр ҳайвонлар, кемирувчилар, айрим қушлар ҳамда совуқ қонли ҳайвонлар — балиқ, қисқичбақасимонлар ва шиллиққуртлар ҳисобланади. Хасталик консерва маҳсулотлари орқали ҳам келиб чиқади.

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари (қийма, колбаса, балиқ), полиз маҳсулотлари, мева консервалари ёки маринадлари ботулизмнинг одамларга юқишида катта роль ўйнайди. Мол сўйиш технологиясини бузиш натижасида мол ичагидаги ботулизм таёқчалари гўштга ўтиб кетади, худди шундай ҳолат балиқ тайёрланишида ҳам рўй бериши мумкин.

Ботулизм споралари сабзавотларга (лавлаг, помидор, бодринг, патиссон, картошка, сабзи, бақлажон ва ҳоказо), мевалар (олма, нок кабиларга), кўзиқоринларга ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига ҳам тарқалган. Уларга ботулизм споралари тупроқдан юқади.

Консерва тайёрлаш жараёнида санитария-гигиена қондаларига пухта риоя қилиш керак. Бу ўринда кўзиқоринлар ҳақида алоҳида тўхталиш зарур. Гап шундаки, кўзиқорин говак бўлгани учун танасида ботулизм микроби қолиб кетиши ва ундан консерва тайёрлаганда микроблар сақланиб қолиши мумкин. Консерва банкисидаги кислородсиз муҳит ботулизм микробининг ривожланиши, кўпайиши ҳамда кучли заҳар — ботулинотоксин ажралиб чиқишига шароит яратади. Одам организи-

мига тушган токсин меъда ва ичакда тез сўрилиб, қонга, органларга ўтади, тўқималарни, аввало асаб тизмини фаолиятини бузади. Айниқса у бош мия тўқимасининг кислород билан таъминланишини усайтиради. Қуйида кўрилган ҳодисалардан мисоллар келтирамыз.

Ширкат ҳўжалигида яшов-

овқат ютиши ҳам қийинлашган, сув ичганда қалқиб, сув бурундан қайтиб тушган.

Она кенжа фарзанд фожиаси билан овора бўлиб, бу ўғлига етарли эътибор бермаган. Боланинг аҳволи тобоси оғирлашиб, нафас олиши қийинлаша бошлаган, гоҳ-гоҳида бўғилганга ўхшаб, кўкариб кетган. Она ўғлини

заҳар тарқатган.

Бошқа бир воқеада нотўғри тайёрланган консерва икки оила фожеасига сабаб бўлган. Тўйда дастурхонга уйда тайёрланган кўзиқорин маринади ҳам қўйилган. Кўзиқорин хушхўр таом сифатида энг азиз меҳмон дастурхонига тортилган. Тўй-томоша авжида, хурсандчилик, музика чалиниб, меҳмонлар рақсга тушиб, янги келин-киёв номига яхши ниятлар айтишади.

Тўй маросими тугамасданок 7-8 киши касал бўлиб қолади. Уларда ботулизмнинг оғир аломатлари намоён бўлади. Оқибатда икки киши ҳаётдан абадий кўз юмади, тўй азага айланади. Маълум бўлишича, кўзиқорин консервасини тайёрлашда технология жараёни кўпол равишда бузилган, улар яхши тозаланмаган ҳолда консерваланган. Натижада ботулизм микроблари ривожланиб, ўзидан кучли заҳар ажратган.

Ботулизмнинг олдини олиш мумкинми?

Бу хавфли касалликнинг олдини олиш ўз қўлингизда. Бунинг учун озиқ-овқат маҳсулотларини, хом ашёларни қайта ишлашда, ташишда, сақлашда ва улардан овқат тайрлаш жараёнида озодлалик, санитария-гигиенанинг асосий қондаларига қатъий риоя қилиш шарт.

Гулмира КАРИМОВА,
Шайхонтоҳур тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази овқатланиш гигиена бўлимининг санитария врачси.

Саломатлик

**БОТУЛИЗМ —
ХАВФЛИ КАСАЛЛИК**

Ботулизм овқатдан заҳарланиш натижасида пайдо бўладиган ўткир юқумли касалликдир. У асосан марказий асаб тизмининг оғир парикастланиши билан кечади, нерв, мушаклар парези ва фалажга олиб келади, ҳатто бемор ҳаётдан кўз юмishi ҳам мумкин.

чи бир оила помидор ва бодрингни шиша банкаларга солиб, қишга асраб қўйган. Баҳорда банкани очиб, она уч фарзанди билан помидор ейишган ва унинг сувини ичишган (она тузлама сувини эмизикли болага ҳам ичирган). Орадан бир неча соат ўтгач бола безовталана бошлаган, у эмаётганда олдин энтикиб, сўнгра ома олмай қолган, чой ҳам ича олмай кўкариб кетган. Она касал болани эртасига эрталаб врачга олиб борган. Афсуски врач хузурига етиб улгурмасданок бола йўлда нобуд бўлган.

Шу кунги 4 ёшли ўғли ҳам касалланиб, кўз олди хиралашиб дармони қуригган, юрганида ҳарсиллаб нафаси оғизга тикилган. Кейинчалик

касалхонага олиб келганида унинг аҳволи жуда оғир эди. Болага зудлик билан тегишли ёрдам кўрсатилди, аммо фурсат бой берилган эди, бу иккинчи фарзанд ҳам бир неча соатдан сўнг оламдан кўз юмди. Бу муррак болалар ботулизм қурбони бўлдилар.

Врачлар ботулизм аломатларини онада ва қизида топиб, уларни касалхонага ётқиздилар. Уларга врачлар зудлик билан вақтида ёрдам бериб, ҳаётларини сақлаб қолдилар.

Хўш нима сабабдан бундай даҳшатли фожеа юз берди?

Чунки уйда помидорни яхшилаб тозаламасдан тузлама қилинган, шу сабабли тузламада ботулизм микроблари сақланиб, ўзидан



**Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
электронлар
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 бекма табоқ, офсет усунда босилган.
2812 нусxada босилди. Когоз бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткichi — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамы»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди».

«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Тўро» кўчаси, 41-уй.